

## Аллоҳим, юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўраймиз!



18:00 / 18.03.2021 2251

Бугун дунёда юз бераётган воқеалар, мол-мулк, бойлик ризқларнинг энг оддий, кам даражадагиси экани, соғлиқ-саломатлик, айбу нуқсонларнинг сатр этилиши ҳамда тинчлик-хотиржамлик ризқларнинг энг олий даражадагиси эканини исбот қилмоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги хабарларга кўра, юртимизда 18 март кунидан 20 март кунига қадар қаттиқ шамол бўлиши, Республикамизнинг айрим ҳудудларида шамол тезлиги 17-22 м/с дан 23-28 м/с гача кучайиши кутилмоқда.

Шу муносабат билан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқароларимиздан кучли шамол вақтида заруратсиз ташқарига чиқмасликни тавсия этади. Автомобиль эгаларидан автомобилларни дарахтлардан узоқроққа қўйишни сўраб қолади.

مَلَسَ وَهُوَ لَعْلَعٌ لَلِإِلَّهِ لِيُصَلِّيَنَّ لَكَ يَا مَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ  
أَمْ رِيحٌ أَوْ هَيَفٌ أَمْ رِيحٌ أَوْ هَيَفٌ أَمْ رِيحٌ أَوْ هَيَفٌ  
تَلَقَّ يَوْمَ تَلَسُّرًا أَمْ رِيحٌ أَوْ هَيَفٌ أَمْ رِيحٌ أَوْ هَيَفٌ  
تَرَطَّمًا إِذَا رَبَّ دَأْوًا لَبَّ قَوْأَوْ لَحَّ دَوَّجَ رَحَّ وَهُنَّ وَرِيحٌ أَوْ هَيَفٌ  
أَمْ كُؤَشَّاعٌ أَيْ هَلَّعَلَّ لَلِإِقَافِ هُؤَسَفَ وَهَجَّ وَيَفَ لَكُلِّ ذُؤَتَفَرَغَفَ هُؤَنَعِ يَرُّسَ

ضَرَّاعٌ أَدَّهٗ أَوْلَاقٌ مَّوْتَيَ دَوَّالٍ بَقَتْ سُمْ أَضْرَاعُهُ وَأَرَامَ لَفٍ دَاعٍ مُّوَقَّ لَاقٍ  
يُذِمُّ رَّتَّ لَاقٍ مَلْسُ مٌ هَاوَرٍ. اِنْرَطْمُ مٌ

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қаттиқ шамол турса:

«Аллоҳим! Албатта, мен Сендан унинг яхшилигини, ундаги нарсанинг яхшилигини ва у билан юборилган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Ва Сендан унинг ёмонлигидан, ундаги нарсанинг ёмонлигидан ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман», дер эдилар.

Қачон осмоннинг авзои ўзгариб қолса, у зотнинг ранглари ўзгариб, кириб-чиқиб, олдинга-орқага бориб-келиб қолар эдилар. Бас, ёмғир ёғишни бошлаганда юзлари ёришиб кетар эди. Мен буни у зотнинг юзларидан билиб, сўрадим.

«Эй Оиша, худди «Водийларига рўбарў келаётган оризни (азоб ёмғири келтирувчи булутни) кўрганларида «Мана бу ориз бизга ёмғир ёғдирувчидир» дейишди» каби бўлиши ҳам мумкин», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Маълумки, қаттиқ шамол ҳам Аллоҳнинг кўп сонли лашкарларидан биридир. Қадимда ўтган умматлардан баъзиларини Аллоҳ таоло айнан ушбу лашкар – қаттиқ шамол ила ҳалок қилгандир. Бу ҳол ҳозиргача давом этиб келмоқда. Қачон қаттиқ шамол турса, бирор фалокат содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам қаттиқ шамол эсишни бошлаши билан ташвишга тушар ва ушбу ҳадисда ривоят қилинган дуони қилишни бошлар эдилар. Сиз билан биз, мўмин-мусулмонлар ҳам ҳаётимизда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан ўрнак олиб, қаттиқ шамол турганида Аллоҳ таолога илтижо қилиб, мазкур дуони ўқимоғимиз лозим.

نَمْ كَبُّ دُوعًا وَوَبَّ تَلْسُرًا اَمَّ رِيْحًا وَوَهِيْفًا اَمَّ رِيْحًا وَكُلَّ اَسَايْنًا مَهْلَلًا  
وَبَّ تَلْسُرًا اَمَّ رِيْحًا وَوَهِيْفًا اَمَّ رِيْحًا وَوَهِيْفًا اَمَّ رِيْحًا

«Аллоҳумма инний ас`алука хойроҳа ва хойро ма фийҳа ва хойро ма урсилат биҳи ва аъзузу бика мин шарриҳа ва шарри ма фийҳа ва шарри ма урсилат биҳи», деб айтар эдилар.

**Маъноси:** Эй Раббим, Сендан унинг яхшисини, ундаги яхшиликни ва у билан юборилган нарсанинг яхшисини сўрайман. Эй Раббим, Сендан унинг ёмонидан, ундаги ёмонликдан ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман.

**Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади**